


## Ўзбекистоннинг энг қизиқарли музейлари

Ўзбекистонда сайёҳлар учун қизиқарли бўлган ёдгорликлар ва обидалар кўп, лекин улар орасида хорижий сайёҳлар айниқса кўп борадиган музейлар бор.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 га яқин музей фаолият олиб бормоқда. Уларда сақланаётган экспонатлар сони 2,17 миллиондан ошган. Қуйида хорижий сайёҳлар орасида оммавий ҳисобланадиган музейлар рўйхатини келтирамиз.

### Ўзбекистон тарихи Давлат музейи



1876 йилда Тошкент музейи асосида ташкил этилган. Музей фондида 250 мингдан зиёд экспонат жамланган. Музейнинг ҳозирги биноси 1970 йилда меъмор Е.Розанов, В.Шестопалов ва б. лойиҳаси асосида қурилган.

**Манзил:** Шароф Рашидов кўчаси, 3-уй.

**Транспорт:** автобус: 57, 38, 51, 67

[www.history-museum.uz](http://www.history-museum.uz)

**Иш вақти:** 9.00-17.00

**Тел.:** (99871) 239-10-83, 239-17-79

## Темурийлар тарихи давлат музейи



Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини тантанали нишонлаш мақсадида 1996 йил 18 октябрда очилган. Бино 3 қаватли бўлиб, ундаги энг улкан қандил 500 та ёритгичли “Зумрад” қандил бўлиб, оғирлиги 2 тонна, баландлиги 6 м. Музей Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини акс эттирган.

**Манзил:** А.Темур кўчаси, 1-уй.

**Транспорт:** автобус: 67, 91, 93, 7, 51, 19, 38

**Тел.:** (99871) 232-02-08, 232-02-11

[www.temurid.uz](http://www.temurid.uz)

**Иш вақти:** 9.00-18.00

## Ўзбекистон Давлат санъат музейи



Ўрта Осиёда илк бор ташкил этилган бадиий музей. 1918 йилда Тошкент шаҳрида Халқ университети музейи сифатида асос солинган. 2009 йил маълумотларига кўра музей фонди 50 мингдан зиёд экспонатга эга.

**Манзил:** Амир Темур кўчаси, 16-уй.

**Транспорт:** автобус: 67, 91, 93, 7, 51, 19, 38

**Тел.:** (99871) 236-74-36, 236-73-47

[www.stateartmuseum.uz/](http://www.stateartmuseum.uz/)

## Ўзбекистон Республикаси амалий санъат музейи



1937 йилда ташкил этилган. Музей 1938 йилдан чор Россиясининг дипломати А.А.Половцевнинг XIX аср охирида бунёд этилган собиқ саройида жойлашган. Уни қуриш ва безашда Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива ва бошқа шаҳарлардан келган усталар қатнашган.

**Манзил:** Рақатбоши кўчаси, 15-уй

**Транспорт:** автобус: 140

Метро: космонавтлар бекати

**Тел.:** (99871) 256 40 42

[www.muzeart.uz](http://www.muzeart.uz)

**Иш вақти:** 9.00-18.00

## Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўрғазма зали



**Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўрғазма зали** 1974 йилда очилган бўлиб, кўрғазма майдони 2500 кв.м.

**Манзил:** Рашидов кўчаси, 40-уй.

**Транспорт:** метро: космонавтлар бекати

**Тел.:** (99871) 256-51-46, 252-26-50

**Иш вақти:** 10:00 -17:00

## Алоқа тарихи музейи



2009 йилда очилган. Ўзбекистон алоқа тарихи ҳақида маълумот берувчи музей. Музейда қуйидаги заллар мавжуд: почта алоқаси, телеграф-телефон алоқаси, радио-телевидение алоқаси, мобил алоқа ҳамда соҳанинг мустақиллик йилларидаги ривож.

**Манзил:** Навои кўчаси, 28а-уй.

**Транспорт:** автобус: 28, 91, 89, 115, 44, 46, 17

**Тел.:** (99871) 244-99-03

[www.aloqamuzeyi.uz](http://www.aloqamuzeyi.uz)

**Иш вақти:** 9:00-18:00, тушлик 13:00-14:00

## Геология музейи



Ўзбекистон Республикаси Геология музейи 1988 йилда очлган. Музей кириш, Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳудудининг геологик ривожланиши тарихи, регионал монографик палеонтологик коллекциялар ва фойдали қазилмалар, минералогия, геокимё, қадимги кончилик касб-корлиги тарихи ҳамда дунё геологик мероси залларидан иборат. Шунингдек, музейда динозавр скелети ҳамда 300 намунани ўзида жамлаган махсус петрографик коллекциялар мавжуд.

**Манзил:** Тарас Шевченко кўчаси 11а-уй.

**Транспорт:** автобус: 37, 38, 58, 67, 93

**Тел.:** (99871) 256-11-92, 256-07-92

[www.muzeogeologii.uz](http://www.muzeogeologii.uz)

**Иш вақти:** 9:00-17:00, тушлик 13:00-14:00

## Тошкент политехника музейи



Ўзбекистон транспорт ва автомобил саноати, қишлоқ хўжалиги техникаси тараққиёт тарихи ҳақида маълумот берувчи маскан. Мазкур турдаги музей Марказий Осиёда ягона.

**Манзил:** Миробод тум., А.Темур кўчаси, 13-уй.

**Транспорт:** автобус: 1, 21, 33, 38, 51, 55, 60, 67, 71, 85

**Иш вақти:** 9:00 - 18:00

Душанба дам олиш куни

**Тел.:** (99871) 232-34-30, 232-34-08

## Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси



Галереяда XX аср бошидан ҳозирги кунгача яратилган Ўзбекистон тасвирий санъатининг 1000 дан зиёд рангасвир ва графика асарлари ҳамда нодир нумизматика намуналари сақланади. Галерея қурилишида Италия, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Россиядаги энг йирик музейлар ва кўрғазма залларида тўпланган тажриба эътиборга олинган.

**Манзил:** Буюк Турон, 2

**Транспорт:** автобус: 115, 46, 28, 44

**Иш вақти:** 10:00-17:30

**Тел.:** (99871) 233-56-74